

“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ Кузатув
кенгашининг 2024 йил 1 ноябрдаги 45-сонли
баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ
ТҮГРИСИДАГИ ХИСОБОТНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ БҮЙИЧА
НИЗОМ

2024 й. “01” ноябрь

Код: RD-GK 40-08

Тошкент ш.

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
GK 40		7 varaqdan 2-sahifa Sana: __.10.2024 y.

Хұжжат тарихи қайдлари

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08 7 varaqdan 3-sahifa Sana: ___.10.2024 y.
-------------	--	--



**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СҰФУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ ХИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА НИЗОМ**

1 - БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ (кейинги ўринларда Жамият)да коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги хисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

1.2. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича хисоботларни (кейинги ўринларда - Хисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимлари зиммасида бўлади.

Жамият филиалларининг хисоботни тақдим қилиш учун маъсулият Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети ҳудудий менеджерлари зиммасида бўлади.

2-БОБ. ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ

2.1. Жамиятда куйдаги хисобот турлари назарда тутилади:

a) Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, жамиятнинг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини бўйича хисобот хар чоракда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги хисобот хар чоракда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

2.2. Хисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек,

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиб тизими тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08 7 varaqdan 4-sahifa Sana: 10.2024 y.
GK 40		

хисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигини қатъий назар, тузилади.

2.3. Йилнинг IV чораги учун хисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик хисобот тайёрланади.

2.4. Хар чораклик ва хар йиллик хисобот жамият Раҳбарига топширилади. Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик жамиятнинг умумий хисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлигига (кейинги ўринларда - Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

2.5. Жамиятнинг йиллик хисоботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидан расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Жамият Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан тайёрланади.

З-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ ФАОЛИЯТ КУРСАТИШИ ТУГРИСИДА ХИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятда коррупцияга қарши курашиб тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги хисобот коррупцияга қарши курашиб тизими мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Жамиятнинг коррупцияга қарши дастур ёки “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни амалга оширилишини мониторинг қилиш максадида тузилади.

3.2. Хисобот хар чоракда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети томонидан хисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва Жамият Бошкарувига кўриб чиқиш учун киритилади.

3.3. Хисоботни шакллантириш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) хисобот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай, Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети масъул ходимларга ушбу ойнинг 10 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофик хисобот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг хисоботи Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети томонидан тузилади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиб йўналишига масъул булган бош директор ўринbosари томонидан тасдиқданади;

Коррупцияга қарши курашиб фаолияти тўғрисидаги хисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Хисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиб бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий хисоботни тузади хамда

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08 7 varaqdan 5-sahifa Sana: ___.10.2024 y.
GK 40		

қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1 -иловадаги шакл бўйича жамият тизими бўйича тузилган хисоботдаги маълумотларни киритади.

Хисоботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик хисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлили ҳам қамраб олиши керак.

3.4. Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги хисоботлар ва Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий хисоботни тузишда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети тегишли таркибий бўлималар ходимларидан зарур хужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш хукукига эга.

3.5. Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департамети киска маълумотнома биринчирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий хисоботини хисобот давридан кейинги ойнинг 21 санаасигача Кузатув кенгашига ҳамда Бош директорга ёки унинг масъул ўринbosарига тақдим этади.

4-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги хисобот ушбу Низомга 3-иловага мувофик шаклда тузилади.

4.2. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги хисобот Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий хисобот билан бир вактда тузилади.

4.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги хисобот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва жамиятнинг ички идоравий хужжатларга ўзгартиш ва қуличалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

5.2. Низомга ўзгартириш ва қушимчалар киритишга Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти масъул хисобланади.

6 - БОБ. ЖАВОБГАРЛИК

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тұғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
GK 40		7 varaqdan 6-sahifa Sana: ___ 10.2024 y.

6.1. Ушбу Низомни актуаллаштиришга Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти Бош менежери масъул ҳисобланади.

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
GK 40		7 varaqdan 7-sahifa Sana: ___.10.2024 y.

Хужжат текширилганилиги түғрисидаги маълумотлар